Ушбу сонда:
2 ХАТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ
3 ШИКОЯТ ВА АРИЗАЛАР СУДДА ҚАНДАЙ ТЕКШИРИЛАДИ?
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 11 сентябр, шанба № 148 (1781)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

***Галаосиёда олти юзта ўқувчига мўлжалланган педагогика коллежини қайта таъмирлаш ва янги биноси бунёд этишда 1,3 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди.***

– Коллеж биноси қурилишида 47-кўчма механизациялашган жамланма, «Таъмирқурилиш» корхонаси, шунингдек, «Евромонтаж», «Бош» фирмалари асосий ишларни бажаришди, - деди коллеж директори Салоҳиддин Ғаффоров «Туркистон-пресс» мухбирига.

Коллежда талабаларнинг ўқиш ва ўрганишлари учун барча шароитлар яратилди. Хусусан, бу ерда компьютер синфлари, хорижий тилларни ўрганиш учун лингофон хоналари, физика ва кимё фанлари хоналари тўлиқ жиҳозланди. Шунингдек, коллежда ошхона ва кутубхона, спорт зали, ювиниш хоналари фаолият кўрсатмоқда.

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ - ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Пойтахтимиздаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд ва суддан ташқари тизимлари ўртасидаги муносабатлар: халқаро тажриба» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг /ЕХҲТ/ Тошкентдаги маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад аввало фуқаролар манфаатлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши фуқаролар ҳуқуқларини амалда кўпроқ ҳимоялаш тизими шаклланишига замин яратяпти.

Айни вақтда юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолият олиб боряпти. Жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўз фаолияти давомида кўплаб фуқаролар ҳуқуқлари тикланишида муҳим роль ўйнаётир.

ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси вакили Б.Кайнц хоним мамлакатимизда қисқа давр ичида шаклланган инсон ҳуқуқлари институтлари фаолиятини юқори баҳолади. Бундай демократик ўзгаришлар ЕХҲТ томонидан доим қўллаб-қувватланишини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда судлар ва омбудсманлар ўртасидаги ҳамкорликнинг турли шакллари ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги муаммоларни ечишда демократик институтларни янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

(ЎзА)

*Нуқтаи назар*

## ҚУЛАЙ ИШ ШАРОИТИ

### хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг асосий омили

***Жамоанинг аксарини хотин-қизлар ташкил этган корхонада талаб даражасидаги иш шароити бўлишига эришиш жуда муҳимдир. Хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги иштироки шуни тақозо этади. Чунки аёлнинг соғлиғи, кайфияти, нафақат унинг ўзи, балки атрофдагилар, фарзандлари учун ҳам жуда муҳимдир. Пилла хом ашёсини дастлабки қайта ишлашга ихтисослашган бизнинг корхонамизда бундай масалаларга алоҳида эътибор берилади. Маъмурият ва касабақўм фаолиятининг бош йўналиши ишчиларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга қаратилган.***

Корхонада мавжуд барча иш жойлари ҳар уч йилда бир марта кўрик (аттестация)дан ўтказилади. Бундан ташқари, доимий оралиқ назорат ўрнатилган. Ишчилар ҳар йили бир марта тиббий кўрикдан ўтади. Корхонанинг ўз тиббий маскани шифокорлари эса деярли ҳар куни ходимлар саломатлигидан хабардор бўлишади.

Жамоа шартномасида кўзда тутилганига мувофиқ меҳнат муҳофазасига йилнинг ўтган даврида бир миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Шу ҳисобдан барча бинолар жорий таъмирдан чиқарилди. Ҳаво айланиш тизими, иссиқлик тармоғи созланди. Шахсий ҳимоя воситалари, махсус иш кийимлари, биринчи тиббий ёрдам учун дори-дармонлар харид қилинди. Ишчи хотин-қизлар учун жамоа шартномасида анчагина имтиёзлар белгилаб қўйилган ва амалга оширияпти. Масалан, ишнинг зарарлик даражасига кўра иш ҳақига 10 фоиздан 25 фоизгача қўшимча ҳақ тўланади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ касалликларга чалинганларга даволаниш харажатлари қопланади, санаторийларга бепул йўлланма берилади. Шунингдек, қўшимча таътиллар жорий қилинган.

Бу борада корхона касабақўми анча изчил иш олиб боряпти. Ҳар чоракда ёки зарурат туғилган вақтларда корхона раҳбарларининг, мутасаддиларнинг, ишлаб чиқариш бўлимлари бошлиқларининг ахборотлари, ҳисоботлари тингланади. Мажлис муҳокамаси танқидий-амалий бўлади. Бу эса қабул қилинган қарор ижросини таъминлайди. Масалага бундай ёндашув туфайли иш шароити доимо қониқарлидир.

**Н.ОЧИЛОВ,**
**Самарқанддаги «Ҳужум» акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг меҳнат муҳофазаси комиссияси раиси**

*Қарор ва ижро*

## САВДОДА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

Янгибозор тумани марказида жойлашган савдо фирмасидамиз. Дўконларда хилма-хил озиқ-овқат ва истеъмол моллари. Харидорларнинг кўплиги эътиборни тортади. Сабаби бу ерда савдо-сотиқ пластик карточкалар орқали олиб борилаяпти.

– Тажриба ўзининг ижобий самарасини бермоқда, - дейди савдо фирмаси директори Рустам Қўчқоров. – Бир куннинг ўзида пластик карточкалар орқали 200 минг сўмлик савдо қилинди. Истеъмолчиларнинг янги усулга қизиқишлари катта.

Савдо ходимлари аҳоли талабини пухта ўрганиб, расталарни харидоргир моллар билан тўлдириб боришаяпти. Туманда ўтган даврда 3,2 миллиард сўмлик саноат, 295,9 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Аҳолига 2,5 миллиард сўмлик савдо, 252 миллион сўмлик маиший хизмат кўрсатилди.

Пул вазифасини ўтовчи пластик карточкадан фойдаланишнинг афзаллик ва қулайликлари жуда кўп. Айниқса, унинг иқтисодиётни соғломлаштиришдаги аҳамияти беқиёс. Янги усул чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи субъектларда кенг қўлланилмоқда. Фойдали томони шуки, пластик карточкага қўйилган пулларга ҳар ойда 3 фоиз устама тўланади. Бу карточка билан республика бўйлаб ўрнатилган барча банкоматлардан нақд пул олиш мумкин. Айни пайтда дўконлар ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга оширса бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги қарорига асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар қўллангани учун товар айланмаси ҳажмидан ялпи даромад солиғини 20 фоиз пасайтирилган миқдор билан тўлайдилар.

Бундан ташқари, пластик карточка эгаларига карточкадаги қолдиқ сумма учун тўлаланадиган устамадан ташқари чеклар йиғиндиси 50 минг сўмдан ошганда, қилинган савдо учун мукофот тариқасида минг сўм ёки шу мукофот берилади. Унга эга бўлган фуқароларнинг ҳаёти Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси томонидан бир йилга бепул суғурталанади.

Тумандаги «Янгибозор савдогари» хусусий дўкони, савдо ҳиссадорлик матлубот жамиятига қарашли махсус фирма, савдо марказининг шохобчаларида, газ таъминоти ва электр тармоқлари идораларига пластик дебит карточкалари терминаллари ўрнатилганлиги аҳолига қулайлик яратмоқда. Бу усулнинг яхши йўлга қўйилганлиги савдо тармоқлари фаолиятини такомиллаштириш, тўловларни нақд пулсиз амалга ошириш имконини бермоқда.

Шунингдек, Урганч шаҳри, Ҳазорасп, Янгиариқ ва Боғот туманларида ҳам савдода пластик карточкалар кенг қўлланилаяпти. Пластик карточкага эга бўлган мижозлар сони 20 мингтага етказилади. Ўтган давр давомида 425 миллион сўм маблағ пластик карточкалар орқали ўтказилди.

Янги усул пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини камайтириш билан бирга мижозларга фойда олиб келмоқда.

**Қ.БОЛТАЕВ,**
**«Пахта банк»нинг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи**

*«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиблари*

## УФҚЛАРНИ КЎЗЛАР НИГОҲИ



Машина дала йўли бўйлаб манзил томон елади. Деҳқон кайфияти пахта ва ғалласининг чўғига боғлиқ. Куз келди дегунча барча вақтни қизғанади, бот-бот кўкка тикилади. Хўжалик раҳбари Зикриё Асроров пахта устаси Зулайҳо Қаюмова даласи томон бораркан, куни кеча шийпонда нуронийлар билан ўтказилган йиғилишдаги гапларни эслади.

- Муаммоларни ҳал этиб, кўзланган ҳосилни уюшнинг шарти битта - у ҳам бўлса одамларни мақсад сари бирдек сафарбар эта билиш, - деди юқори ҳосил устаси Эркин Чориев. - Биз сизга ишонамиз, раис!

Деҳқонларнинг худди ана шу ишончи Зикриё акага куч, шижоат бахш этди. Дала-мама-дала кезиб, ноз-неъмат бунёдкорлари билан очиқчасига фикрлашди. Уларнинг таклиф-мулоҳазалари, хайрли ташаббусларини ён дафтарига алоҳида қайд этди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни ҳам назардан қочирмади. Ҳар бир тадбирни тажрибакорлар, мутахассислар билан бамаслаҳат амалга оширди. Касаба уюшма қўмитаси раиси А.Мақсадов билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, инсон омилига эътиборни кучайтирди. Олдин одамларнинг унумли ишлаб, кўнгилли дам олишлари учун шароит яратиб, кейин иш талаб қилиш керак, - дея таъкидларди раис.

Сездики, аксарият миришкорлар ўзларини аямай меҳнат қилишяпти. Кузакда баракали хирмон уюш учун қўлларидан келган барча ишни қилишмоқда. Бироқ бунинг учун аввало билим, тажриба, ташкилотчилик зарур. Бундай шароитда сўз ва шахсий ибрати билан бошқаларни олға ундаётган дала дарғаларининг фаолиятини кенг тарғиб қилиш, меҳнатларини юксак қадрлаш ғоятда зарур эди. Зикриё Асроров ижтимоий ҳимоя ва ободончиликка биринчи кунданоқ алоҳида эътибор берди. Марказий таъмирлаш устахонаси замонавий тарзда таъмирланиб, ҳавас қилса арзигулик ошхона, дам олиш хонаси ҳамда финча ҳаммом қурилиб фойдаланишга топширилди. Қоратепа қишлоғида мактаб, пудратчи ва механизаторлар учун эса уйлар қурилиши бошлаб юборилди. Тажрибали деҳқон бебаҳо бойлик - ерни эъзозлаш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшиламай туриб ҳосилдорликни юксалтириш мумкин эмаслигини яхши тушунади. Шу боис, раис ташаббуси билан кичик ширкатларда насос станцияси қурилиб, ишга туширилди, 11 километрга лоток ариқлар ёткизилди. Ғалла ва пахта мавсуми давомида дала шийпонларида мунтазам равишда иссиқ овқат, чой ташкил этилди. Маданий тадбирлар ҳам кўнгилдагидек амалга оширилди.

Ўша кунни бошқарув раиси Зикриё Асроров асло унутмайди. У ўз фаолиятида оддий одамларни эъзозлаш, кўпга суяниш, қалбларида эртанги кунга бўлган ишончни янада мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият берди. Наврўз тантаналари кунларида минг кишилик байрам тадбири ўтказилиб, 30 нафар ёрдамга муҳтож оила фарзандларининг суннат тўйи нишонланди. Тўйболалар учун махсус сарполар тайёрланди, омонат дафтарчалари очилиб, ҳисобларига 100 минг сўмдан пул қўйилиши барчанинг кўнглини тоғдек кўтарди.

- Азизлар, - дея юзланди ҳамкасбларига қишлоқ кексаларидан бири, - хўжалигимиз раҳбарлари, касаба уюшма қўмитаси ҳурматимизни жойига қўяяпти. Ажойиб тадбирлар ўтказиб, кайфиятимизни чоғ қилмоқда. Қаранг, 2000 йилда 5 миллион 200 минг сўм мукофот пули ажратилган бўлса, 2003 йилда бу рақам 50 миллион сўмдан ошди. Келинглар, биз ҳам шунга яраша меҳнатимиз билан жавоб берайлик.

Кўпчилик кўп ишга қодир. Хўжаликнинг барча участкаларида зўр кўтаринкилик, ташаббускорлик сезила бошлади. Неча бор ҳашар уюштирилиб, жойлардан нури ва маҳаллий ўғит ташиб келтирилди. Мавжуд техникадан унумли фойдаланилди. Хўжалик раҳбари Зикриё Асроров механизаторлар, чилангарлар, газ пайвандчилар, химикатлар билан ишловчи кишиларни махсус кийим-бош билан таъминлади. Вақти келса дала шийпонида тунаб, ғаллачилик ва пахтачиликда юқори ҳосилни таъминлаш учун барча омилларни ишга солди. Ҳар бир жамоада ишнинг оғир юкини зиммасига олиб, ўз мақсадига эриша оладиган, метин иродали, омилкор кишилар бўлади. Шуни назарда тутган Зикриё ака Пўлат Абдуллаев, Зулайҳо Қаюмова, Ёқуб Абдураҳмонов, Зафар Қурбонов, Холиқ Ҳайитов, Аҳмад Азимов каби дарғалардан кўп нарса кутганди. Улар ишончни оқлашди. Ўтган йили ҳар гектар ердан 50-60 центнердан ғалла ҳосили олишга эришдилар. Шу тариқа хўжаликка барака оралади. Агар 1999 йилда гектаридан қарийб 30 центнердан ғалла ҳосили олинган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 46 центнерга етди.

Фан ютуқлари, илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва пудрат шарофати туфайли пахтачиликда ҳам туб бурилишга эришилди. Уч-тўрт йил ичида гектар ҳосилдорлиги қарийб 6 центнерга ошди. Ўтган йили режага қўшимча равишда 834 тонна «оқ олтин» сотилди. Маҳсулотнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинганлиги ҳам иқтисодиётни юксалтиришда муҳим омил бўлди. 2003 йилда соф фойда 601 миллион сўмни ташкил қилганлиги ҳам кўп нарсани англатиб турибди. Ҳозирги кунда хўжаликда пахтани танлаб териш қизғин бормоқда. Ният - бу йил 8 минг тонна хомашёни юқори навларда сотиш, 3 миллиарддан ортиқ даромад қилиш, соф фойдани 1 миллиард сўмга етказиш. Йиғим-терим мавсумини қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Мавсум илғорларини рағбатлантириш учун 10 та енгил автомашина ажратилди. Эришилаётган ютуқларнинг яна бир омили бор. Ширкат раҳбари касаба уюшма қўмитаси фаолиятига алоҳида эътибор беради. Меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш кўнгилдагидек бўлиши учун қўлидан келган ёрдамини аямайди. Қўмита йиғилишларидан бирида кутубхона ишини яхшилаш ҳақида гап борди. Унда иштирок этган раис зиё маскани фондини бойитиш учун 106 минг сўм маблағ ажратилганлигини маълум қилди. Бундан ташқари, 50 минг сўмга яқин китоб мукофот тариқасида тарқатилди. Эндиликда хўжалик кутубхонаси деҳқонлар, ёшларнинг севимли масканига айланган.

Яқинда Касби туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Зикриё Асроров ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллиги байрами арафасида у Ўзбекистон Президентининг Фармонига кўра «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. Ватаннинг юксак мукофоти катта карвон хўжалик аъзоларини юксак марралар сари чорламоқда.

**А.ҒУЛОМОВ**





Гурлан туманида таълим тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим муассасалари замонавий ўқув қуроллари билан таъминланаётир. Туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли мактаб 11 та компьютер билан жиҳозланган. Мактабда 1380 нафар бола таҳсил олмоқда.

**Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.**
**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЯПОНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

***Шу йил 14 сентябрдан 14 октябргача мамлакатимизда Япония маданияти кунлари бўлиб ўтади. Анъанага айланган ушбу тадбир юртимиз ҳамда Кунчиқар мамлакат ўртасида ўзаро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда халқимизни япон маданияти ва санъати билан яқиндан таништиришдек хайрли мақсадга хизмат қилади.***

Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар олис тарихга бориб тақалади. Бу ҳамкорлик айниқса Буюк Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврда фаол ривожланган. Икки мамлакатнинг давлатлараро ва халқаро миқёсдаги том маънодаги муносабатлари Ватанимиз мустақилликка эришганидан кейин янги, юқори босқичга кўтарилди.

Барча жабҳалардаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга расмий ташрифидан сўнг жадал ривожланиш палласига кирди. Президентимизнинг 2002 йил июлида Токиога амалга оширган навбатдаги расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни янги босқичга кўтарди. Ушбу ташриф чоғида имзоланган қатор ҳужжатлар, хусусан, Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот мамлакатларимизни, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Япония маданият кунларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан тасдиқланган дастуридан жой олган маданий тадбирлар жуда ранг-баранг. Жумладан, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Кунчиқар юрт элчихонаси ҳамкорлигида Япон фильмлари фестивали бўлиб ўтади. Ҳамюртларимиз нафақат Япония кино санъати, балки ушбу мамлакатнинг кўҳна ва ўлмас анъаналари, урф-одатлари, табиати, одамларининг турмуш тарзи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлади.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида япониялик санъат усталари ҳамда «Сўғдиёна» ўзбек миллий чолғу асбоблари камер оркестри уюштиражак «Ўзбекистон-Япония дўстлик концерти» санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Бундай қизиқарли тадбирлар нафақат пойтахтмизда, балки кўҳна Самарқанд ва сўлим Фарғона шаҳарларида ҳам бўлиб ўтади.

Азалдан табиатга айрича эҳтироми билан ажралиб турувчи япон халқи гулларга сайқал беришни санъат даражасига кўтарган, дунёга икебана ижодкори сифатида танилган. Пойтахтимиз ҳамда Фарғонадаги бир қанча маърифат масканларида икебана - гулдаста тузаш санъати намойиши бўлиб ўтади.

Юртимизда ўтажак Япония маданияти кунлари чинакам санъат ва маданият байрамига айланади, қизиқарли учрашув ва ранг-баранг таассуротларга бой бўлади.

(ЎзА)

*Ваъда бердингми, бажар!*

## ФЕРМЕР МАСЪУЛИЯТИ

Қишлоқда бўлаётган ўзгаришлар, фермерлик ҳаракатининг ривожланаётганлиги Тоштиллони ҳам бефарқ қолдирмади. У ён қўшниси Баҳодир, амакиваччаси Турдиқул ва қатор синфдошлари мулкдор бўлиб, ўзларини тутиб олганликларини яхши биларди. Ҳалол ишлаган, заминни эъзозлаганлар ҳеч қачон кам бўлмаган. Истиқлол ва ислоҳот туфайли қишлоқда бойлар кўпайяпти, қурилишлар авж олмоқда. Энг муҳими Наманган туманининг омилкор одамлари.

Хўш, Тоштиллонинг улардан қаери кам? Йигит оила аъзолари билан маслаҳатни бир жойга қўйгач, тегишли идораларга учраб, фермер бўлиш учун нима қилиш керак, қандай ҳужжатларни расмийлаштириш лозимлигини тушуниб олди. Хўжалик раҳбарларига учрашиб, узоқ йиллардан буён сидқидилдан ишлаб келаётганлиги, суяги деҳқончиликда қотганлигини айтиб, фермер бўлишга жазм қилганлигини таъкидлади. Тадбиркорга яшил йўл. Бироқ фермер бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун аввало ирода, омилкорлик, билим ва тажриба зарур. Ҳал қилувчи дамларда даладан келмай ишлайдиган пайтлар ҳам бўлади. Мутасаддилар буларни Тоштиллога ётиғи билан тушунтиришди. Янгилик ихлосманди ваъдани катта қилиб, тўрт фарзанди билан ишга киришди.

Афсуски, Тоштилло ерли бўлгач, ўзи билганча иш юритди. Шартнома бандларида кўрсатилганидек эмас, балки ўз мўлжали бўйича озгина майдонга чигит экди. Бошқа майдонларни «бозорбоп» экинлар билан банд этди. Қарабсизки, дастлабки йили ёш фермернинг оёғи бозордан узилмади. У қандай қилиб бўлмасин ҳамёнини қаппайтиришни ўйлаб қолган эди. Кузга бориб шартномада кўрсатилган экинлар ҳосилини суриштирганларида турли баҳоналарни рўкач қилди. Бир чети хўжалик раҳбарлари, ён атрофдаги тадбиркорлар ҳам Тоштилло фермернинг ноқонуний ишларини кўра-била туриб, лом-лим дейишмади. Уни эгри йўлдан вақтида қайтиришганида, ўзига ҳам, давлатга ҳам бунчалик моддий зарар етказмаган бўлармиди? Энди эса қилмишидан пушаймон бўлиб, ер чизиб ўтирибди.

– Ўзига бириктирилган экин майдонларидан шахсий манфаатни кўзлаб иш юритилишига йўл қўймаслик масаласи тегишли идораларнинг ҳам назоратидадир, - дейди Наманган вилояти хўжалик судининг раиси Ҳасанбой Собиров. – Ушбу идоралар аралашуви билан шартнома шартларини бажармаган қатор фермер хўжаликлари зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қопладилар. Жумладан, жорий йилнинг 27 август ҳолатига кўра вилоят хўжалик судига дон топшириш контрактация шартнома мажбуриятларини бажармаган фермер хўжаликлари фаолияти юзасидан прокуратура идораларидан 321 та даъво аризаси киритилди. Шундан 309 таси қаноатлантирилиб, ўз сўзлари устидан чиқмаган мулкдорлардан 49,4 миллион сўм жарима ундирилди. 39 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Ҳаётнинг ўзи энг яхши муаллим. Таҳлил шуни кўрсатадики, айрим тадбиркорларда ҳуқуқий билим ва тажриба етишмаётир. Бундайлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини жонлантириш лозим. «Алвон хўжа», «Қобилбек», «Руқияжон», «Шарқи Хуррам» фермер хўжаликлари яхшигина миқдорда жарима тўлаганларидан сўнг, улар кўп нарсага тушуниб етишди. Фермер бўлиш, контрактация шартномаси шартларини тўла бажаришга эришиш осон гап эмас. Шу боис қўлидан келган, етарли салоҳиятга эга бўлган кишиларгина бу муҳим, хайрли ишга қўл уришлари мумкин. Ишлашни билмайдиган, омилкор бўлмаган кимсалар эса Тоштиллога ўхшаб ер чизиб қолаверишади.

**О.НАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари*

# ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ЭНГ ЯХШИ МУАЛЛИМ

***Одамлар турмуш тарзини яхшилаш, меҳнат муносабатларини шакллантириш, қонуний манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшма ташкилотларининг асосий вазифаларидир.***

Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари Кенгаши 352 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган. Корхона, ташкилот, хўжалик ва муассасаларда 1408 та бошланғич ташкилот ишлаб турибди.

Бозор тамойилларидан келиб чиқиб, ўзининг ташкилотчилик фаолияти ва иш услубини такомиллаштираётган бошланғич ташкилотлар ҳақида фахр билан гапириш мумкин. Оғир чўл шароитида меҳнат қилаётган жамоани бирлаштирган «Устюртгаз» шўъба корхонаси касаба уюшма ташкилоти раиси Ж.Умаров ишчи-хизматчилар тўғрисида ғамхўрликни кучайтирган. Корхона маъмурияти билан тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши қатъий назоратда. Участка ва цех ташкилотларининг кундалик фаолияти одамлар турмуш шароитини яхшилашга қаратилган.

Республика Кенгаши касаба уюшмаларининг жамиятимизда тутган ўрни ва мавқеини ошириш мақсадида бошланғич ташкилотларни иқтидорли, билимли, кенг мушоҳада билан фикрловчи ёшлар ҳисобига мустаҳкамлаш йўлидан боряпти. Демак, касаба уюшма етакчиси ўз фаолиятини такомиллаштириб, малакасини ошириб бориши, энг муҳими жамоа аъзоларининг хатти-ҳаракати учун бутун масъулиятни зиммасига олиши керак.

Кўрилган тадбирлар ижобий самара беряпти. Ҳисобот-сайлов жараёнида кўпчилик касаба уюшма ташкилотларида йиллик иш режалари аниқ бажарилганлиги, меҳнат аҳлининг ижтимоий ҳимояси тўғрисида доимий ғамхўрлик кўрсатилганлиги яққол намоён бўляпти.

Келажагимиз ҳисобланган жисмоний соғлом, маънан етук авлодни камол топтиришда касаба уюшмаларининг ўрни беқиёс. Шунинг учун Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети бирлашган касаба уюшма қўмитасида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга жиддий аҳамият бериляпти. Талабалар ўртасида терроризм ва диний экстремизм, гиёҳвандликни фош этишга бағишланган суҳбат ва маърузалар уюштирилди. Йигит-қизларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари яхшиланди.

Ҳар бир корхонада жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, маъмурият олдига қўйилган талабларнинг асосий қисми бажарилишига эришилди. «Пахтабанк»нинг Қорақалпоғистон бўлими касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди, нафақадаги ходимларга дори-дармон сотиб олиш учун маблағ ажратилди, болаларга ёзги дам олиш учун бепул йўлланмалар берилди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ёрдамга муҳтож кишилар ғамхўрлик билан қуршаб олинган.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси касаба уюшма қўмитаси ўз маблағи ҳисобидан ходимларни ижтимоий ҳимоялаб бормоқда. Ойлик маошларнинг тўланиши қатъий назоратга олинган. Жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари кучайтирилган. Маънавият ва маърифат хоналари безатилган. Аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш яхшиланиб, тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди.

Касаба уюшмаларининг жанговарлиги бошланғич ташкилотларга боғлиқ. Нукус ва Тахиатош шаҳарлари, Тўрткўл, Элликқалъа, Беруний, Хўжайли, Кегайли, Нукус туманларида ўтказилган текширишларда ижро интизомининг аҳволи чуқур ўрганилди. Айрим жойларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши талаб даражасида эмаслиги аниқланиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Республика касаба уюшмалари иқтисодий, маънавий соҳаларда қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга ошира бориб, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» шиори остида ижтимоий сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, одамлар манфаатини ҳимоя қилиш йўлида уюшқоқлик ва ишчанлик кўрсатмоқдалар.

**Ҳасан ЕРМАГАМБЕТОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири**

*Вилоят касаба уюшмалари Кенгашларида*

***Ўтган йиллар ичида касаба уюшмалари Фарғона вилоят Кенгаши, тармоқ ва бошланғич ташкилотларининг диққат-эътибори меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, маданий-маиший ва спорт тадбирларини ўтказиш, ходимларни соғломлаштиришга қаратилди. Юқоридаги масалалар касаба уюшма қўмиталарининг мажлисларида, раёсат йиғилишларида мунтазам муҳокама этилиб, кўзланган мақсадни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.***

# ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси асосий ўрин тутади. Шу боисдан улар ҳар йили жамоа шартномалари ва ҳудудий келишувларнинг якунини чиқаришга ва янгисини тузишга асосий эътиборни қаратадилар. Вилоят Кенгаши тизимида бугунги кунда 12 та тармоқ касаба уюшма ташкилотлари бўлиб, уларда 46 та туман, шаҳар қўмиталари, 48 та туман, шаҳар бўйича вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда 1909 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор. Улар 702 минг 105 нафар аъзони бирлаштирган. Вилоят Кенгаши жорий йиллар мобайнида 19 та раёсат, 8 марта Кенгаш мажлисларини ўтказиб, бу йиғилишларда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалалар муҳокама этилди. Фаоллар иш берувчилар билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар-жамоа келишувлари ва шартномалари таъсирчанлигини ошириш, қатъий бажарилишини таъминлаш, ишловчилар учун қўшимча имтиёзлар кўламини кенгайтирилишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Мазкур жамоа шартномалари касаба уюшма Федерацияси томонидан шартномаларни тузиш бўйича берилган тавсиялар асосида амалга оширилмоқда. Кенгаш ҳамда тармоқ қўмиталари мутахассислари биргаликда шартномаларни тузиш, экспертизадан ўтказиш бўйича бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

– Вилоят ҳокимлиги, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда касаба уюшмалари ўртасида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимояланишини таъминлаш бўйича 2003-2005 йилларга мўлжалланган келишувлар тузилди, - дейди Кенгаш раиси Анвар Юнусов. – Ўтган йилда 1673 та жамоа шартномаси тузилди. Уларда кўзда тутилган имтиёзлар ҳисобига ҳар бир аъзонинг манфаатдорлик даражаси 24 минг 470 сўмни ташкил қилди. Шу билан бирга Кенгаш вилоятда жамоат, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари орқали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳиссини шакллантириш тўғрисидаги дастур бўйича 17 та йўналишдаги услубий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда ташкилот, корхона ва муассаса раҳбарлари билан семинарлар ўтказилди. Шу билан бирга мазкур услубий қўлланмаларни амалда фойдаланиш учун жойларга етказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан Кенгашнинг ҳаракат дастури ишлаб чиқилди ва қўмиталарга бажариш учун юборилди. Унга мувофиқ иш ҳақидан қарздорлик бўйича туман, шаҳар ташкилотлари, корхоналарида жамоатчилик назорати гуруҳлари ташкил этилди.

Касаба уюшма ташкилотлари маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш, болаларни дам олдириш масалаларига ҳам эътиборни кучайтирмоқда. Ёзги соғломлаштириш мавсумида жами 13 минг 256 нафар бола дам олдирилди.

Касаба уюшмалари ишида ҳали баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш борасида барча касаба уюшма ташкилотлари фаоллари бирдек ҳаракат қилишаётгани йўқ. Бундан ташқари, бошланғич ташкилотлар жанговорлигини ошириш хусусида ҳам ҳали кўп иш қилиниши керак.

Ҳозирги кунда касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтяпти. Уларда бошланғич ташкилотларда ҳисобот даврида эришилган натижалар талабчанлик ва кенг ошкоралик вазиятида таҳлил этиляпти.

**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

Йўл равон, ободу кўркам бўлса йўловчига ҳузур бахш этади, чарчоқни сездирмайди. Бугун Фарғона йўлларини кезсангиз ана шундай илиқ туйғуни туясиз. Бу йўлларнинг равон бўлишига ҳисса қўшаётган «Фарғонаавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг Фарғона автомобил йўлларидан мунтазам фойдаланиш бошқармаси жамоасига таҳсинлар айтасиз.

Жамоанинг мақсади тасарруфидаги йўлларнинг ҳаммага манзур ва қулай бўлишига эришишдир. Шундай бўлмоқда ҳам. Ҳозирги кунда фарғоналик йўлсозлар Фарғона халқа автомобил йўлининг 278 километр қисмида асфальт ётқизиб бўлдилар.

Айни пайтда йўлсозлар шаҳар ичи йўлларини таъмирлаш, асфальт ётқизиш ва бетон ҳошиялар ўрнатиш ишлари билан банд.



**Суратда: шаҳар ичи йўлларида асфальт ётқизиш ишлари жараёни.**
**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат**

## ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАР

Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманидаги аҳолиси зич жойлашган Карвак қишлоғида жойлашган 8-мактабда ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол воя га етказиш учун барча қулайликлар мавжуд. Шу жиҳатдан ҳамда замонавий жиҳозлар билан таъминланганлиги бўйича мазкур мактаб намунали деб эълон қилинди. Бунга эса бошланғич синфлар учун мўлжалланган ўқув биносининг капитал қайта таъмирланиши ҳамда юқори синф ўқувчилари учун янги бино қурилиши туфайли эришилди. Энди замонавий таълим стандартларига мувофиқ ҳар бир бинода 320 тадан ўқувчи таълим олади.

Яқиндагина мазкур мактаб деярли авария ҳолатида эди. Унинг қайта бунёд этилиши - вилоятда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури биринчи босқичининг амалга оширилиши натижасидир. Мактабни тубдан янгилаш жараёнида бор-йўғи бир неча ой ичида «Туямўйинсувқурилиш» жамияти қурувчилари умумий қиймати тахминан 150 миллион сўмга тенг бўлган турли хил қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Мактабни ўқув жиҳозлари ва мебел билан таъминлаш учун бундан ташқари яна 20 миллион сўм маблағ ҳам ажратилди.

Вилоят халқ таълими бошқармасидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, Гурлан туманидаги 35-мактабнинг ўқувчи ва ўқитувчилари ҳам шу кунларда янги бинога кўчиб ўтди. Умуман, Хоразмдаги мактабларни янгилаш ва қайта жиҳозлаш учун юқорида тилга олинган умуммиллий дастур доирасида давлат бюджетидан шу йилнинг ўзидаёқ 785 миллион сўм ажратилган. Кўпчилик меҳнат жамоаларининг ушбу хайрли ишга қўшган ҳиссаси ҳам 450 миллион сўмни ташкил этди. Улар кўмагида 15 та қишлоқ мактабида замонавий компьютер синфлари ташкил қилинди.

**(ЎзА)**

*Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди*

# ХАТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

***Қорақалпоғистонда фуқароларнинг ариза ва шикоятлари камайганлиги касаба уюшмаларининг аҳоли орасида олиб бораётган ташкилотчилик ва тарғиботчилик ишлари самарасидир.***

Ҳар бир хатда инсоннинг ҳаётий ташвишлари мужассамлашган, фуқаролар муаммоларини ҳал этишга кўмаклашишни сўраб касаба уюшмаларига мурожаат қилишади. Масалан, касаба уюшмалари Кенгаши ва унинг жойлардаги тузилмалари ҳар бир хат ортида инсон тақдири турганлигини чуқур ҳис этган ҳолда ариза ва шикоятларни белгиланган муддатларда кўриб чиқиб, натижасини тегишли ташкилотлар ва муаллифларга маълум қилишяпти. Ўтган даврда республика Кенгашига 80 дан ортиқ ёзма, 250 та оғзаки мурожаат тушган бўлиб, ҳаммаси белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

— «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳар бир киши давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, – дейди биз билан суҳбатда Кенгаш мутахассислари. — Касаба уюшмалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаган ҳолда ариза ва шикоятлар билан ишлашга алоҳида эътибор беришяпти.

Одамларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаат пухта ўрганилиб, аниқ чора-тадбирлар белгиланиши керак. Таҳлиллар Нукус шаҳри, Хўжайли ва Элликқалъа туманларида аризачилар сони кўпайганлигини кўрсатиб турибди. Бу жойларда меҳнаткашлар билан учрашувлар ўтказилиб, юзага келган муаммоларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Шикоятларнинг ёзилишига асосий сабаб ишдан қонунсиз бўшатиш, иш ўринларини қисқартирилиши, маошларнинг вақтида берилмаслиги, бахтсиз ҳодисалар юз бериши, ишлаб чиқаришда соғлиғини йўқотганларга нафақа ва пенсиялар вақтида тўланмаганлиги билан боғлиқдир. Масалан, 2-қурилиш бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари меҳнат шартномасининг бекор қилиниши туфайли 20 нафар киши ишдан озод этилганлиги ҳақида Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси вакиллигига мурожаат қилган эдилар. Ариза мутасадди ходимлар томонидан ўрганиб чиқилди ва ўзининг ижобий якунини топди.

2-Республика сил касалликлари шифохонасининг ходимлари ойлик маошларининг вақтида берилмаётганлиги ҳақида касаба уюшмаларидан ёрдам сўрадилар. Ариза кўриб чиқилганда, ташкилот раҳбарияти томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Меҳнат Кодексининг 154-,161-моддалари қўпол равишда бузилганлиги аниқланди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолотлари тўғрисида»ги Қонунининг 11-моддасига асосан иш берувчиларга тақдимнома киритди. Шикоятчиларнинг талаблари қаноатлантирилди.

Хўжайли туманидаги 4-мактаб фарроши Г.Нуржонова, «Она-бола скрининг» маркази фарроши Г.Қутлимуродова, Нукус ўрмон хўжалиги назоратчиси А.Отепбергановларнинг аризалари белгиланган муддатда текширилиб, улар вазифаларига тикланди ва бекор ўтказган кунлари учун пуллари тўлиқ ундириб берилди.

Айрим ташкилотларда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш, ҳомиладор ва икки ёшгача боласи бўлган аёлларнинг нафақасини бериш пайсалга солинаяпти. «Катекс» акциядорлик жамияти лаборанти П.Тажиддинова, Нукус шаҳридаги 1-шифохона ходими Ж.Измурзаева, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети Нукус ўқув маркази фарроши С.Жиемуродоваларнинг фарзандларини икки ёшгача парваришлаш учун бериладиган нафақалар вақтида тўланмаганлиги баён бўлди. Касаба уюшма аралашуви билан тўловлар ундирилиб, аризалар ижобий ҳал қилинди.

Ҳаракат дастурида касаба уюшмалари меҳнаткашлар ва уларнинг аъзолари, аҳолининг кам таъминланган қатламлари, фахрийлар, етим-есирлар, серфарзанд оила болалари, меҳнат ва уруш ногиронлари, ёшлигидан ногирон болалар учун ижтимоий ҳимоя кафолатларини амалга оширишда фаоллик кўрсатишлари белгилаб қўйилган. Республика Кенгаши, тармоқ қўмиталари ва унинг бошланғич ташкилотлари ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда ана шуларга амал қилишмоқда.

**И. ИСОМИДДИНОВ**

*Ислоҳот инсон учун*

# II.САККИЗИНЧИ ХАЗИНА

## аҳолини ижтимоий ҳимоялашда деҳқон хўжаликларининг роли

Бултур Деҳқонобод, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи ва Қамаши туманларидаги деҳқон хўжаликлари ва оилавий тадбиркорлик субъектлари «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард 125 миллион сўм имтиёзли микрокредитлар билан таъминланди. Жорий йилнинг охиригача яна 3 мингдан ортиқ оилага 1,3 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилади. Бундан ташқари, янгитдан 1168 та оилавий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 2027 нафар фуқаро иш ўринлари ва қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

Даромадни янада кўпайтириш, боғдорчилик ва узумчиликни йўлга қўйиш ҳисобига 9,5 мингта деҳқон ва 295 та фермер хўжаликларнинг ихтисослашувига эришилади. Бунинг эвазига 6,8 минг гектар мевазор боғ ва узумзор барпо этилиб, 19 мингга яқин фуқаронинг даромади оширилади.

Оилавий бандликни таъминлайдиган тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, аҳоли имкониятларини тўлароқ рўёбга чиқариш, боқимандачилик кайфиятига барҳам бериш ва бандлик даражасини оширишга олиб келаяпти. Фермерчиликни тараққий эттириш ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишнинг бош омилига айланган. Мавжуд 221 та паст рентабелли, зарар билан ишлаётган ширкатларнинг 119 таси тугатилиб, улар негизида 10 минг 585 та деҳқон-фермер хўжаликлари тузилди.

Фермер хўжаликларида 87 мингдан зиёд киши меҳнат қилаяпти. Ердан фойдаланиш самарадорлиги ортиб, молиявий ҳолат мустаҳкамланди. Етиштирилган пахта ҳосилининг 45 фоизи, ғалланинг 48 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Якунлар қувончли ва фахрланишга арзийди. Фермер хўжаликларида пахтачиликдан 12,4 миллиард, ғаллачиликдан 7,2 миллиард сўм даромад олинди. Рентабеллик даражаси пахтачиликда 49,7, ғаллачиликда 56,5 фоизни ташкил этди. Бу ширкатларга нисбатан 3 бараварга юқори демакдир. Фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўттиз мингтага яқинлашиб қолди.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 11,9 миллиард сўм кредит маблағлари сарфланган. Тармокда ишлаб чиқарилган ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 239 миллиард сўмга етди. Тизимда 210,5 минг нафар киши меҳнат қилмоқда.

Вилоятдаги кам таъминланган оилалар даромадини кўпайтиришни кўзда тутиб, 2004-2006 йилларда давлат, корхона, ташкилот, муассасалар, тижорат банклари, бюджетдан ташқари жамғармалар, чет эл инвестицияси, хусусий тадбиркорлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 105,9 миллиард сўм сарфлаш режалаштирилган. Бунинг натижасида кам таъминланган оилалар сони кейинги икки йил ичида етти бараварга камаяди.

Деҳқон хўжалиги ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган 2,5 мингга яқин кам таъминланган оилага 700 миллион сўм микдорида имтиёзли кредит ажратилди. Йил охирига бориб бу кўрсаткич 1,5 миллиард сўмга ўсади ёки мингдан зиёд оилага ўз рўзғорини йўлга қўйиб олиши учун имтиёзли қарз берилади. Меҳнат бозоридаги вазиятни барқарорлаштириш ва аҳоли бандлигини ошириш учун иқтисодиёт тармоқларида 47,2 мингта янги иш ўринлари яратилди. Норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганларни камайтириш мақсадида Шаҳрисабз, Чироқчи туманлари ва Қарши шаҳрида вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари фаолият кўрсата бошлади.

- Барқарор даромад манбаига эга бўлмаган оила аъзоларини фаол меҳнатга жалб қилиш асосий омиллардан биридир, - дейди биз билан суҳбатда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси бошлиғи М.Азимов. - Шунинг учун ҳар бир фуқаролар йиғинида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш, биринчи галда оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш жойлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Деҳқон хўжаликлари салоҳиятидан фойдаланиш борасида хайрли ишга қўл урилди. Эндиги навбат белгиланган тадбирларни бекаму кўст бажаришдан иборат. Воҳада янги ишлаб чиқариш иншоотларини ишга туширилиши туфайли сўнгги икки йилда 3115 та янги иш жойлари ташкил этиш, мавжуд корхоналарни қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш ҳисобига 2731 та иш ўринлари барпо этиш белгиланган. Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган корхоналар қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш, чет эл сармоясини жалб этган ҳолда замонавий ускуналар ва юқори технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхоналар фойдаланишга топширилиши натижасида 13 мингдан ортиқ ишчи ўринлари вужудга келади.

Кичик ишлаб чиқариш тармоқларини йўлга қўйиш оқибатида 19 минг 198, касаначиликни жорий этиш ҳисобига уй меҳнатини йўлга қўйиш бўйича 18 минг 604, ҳунармандчилик соҳасида 11 минг 182 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти ва ширкатлар ўрнида фермер хўжаликлари тузишдан ҳам янги иш ўринлари яратилади.

Тоғ, тоғолди ва лалмикор ҳудудларда қўшимча ер майдонлари ажратилиб, деҳқон хўжаликлари ташкил этиш ҳисобига 26 минг 620 нафар фуқаро банд бўлишига эришилади. 19 мингга яқин киши деҳқончиликнинг боғдорчилик ва узумчилик тармоғига жалб этилади.

Хуллас, 2004-2006 йиллар мобайнида кам таъминланган оилаларнинг 123 минг 489 нафар аъзоларини доимий иш жойи ва меҳнат даромади билан таъминлаш назарда тутилган. Натижада аҳолининг яхши яшаши, яхши турмуш кечириши учун қулай шарт-шароитлар юзага келади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Масала кўндаланг қўйилади*

***Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хомашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганди. Қарорда жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб табиий газ истеъмолчилари (аҳоли, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилотлар, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва 5-иловага мувофиқ корхоналардан ташқари) тузилган шартномаларга мувофиқ берилган табиий газ ҳақини тўлиқ тўлаган ҳолда, навбатдаги календар ой бошлангунга қадар шартномаларда назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 30 фоизи учун аванс тариқасида хақ тўлашлари кўрсатилган. Бошқа улгуржи истеъмолчилар эса 15 фоиз олдиндан тўловни амалга оширишлари белгиланган.***

# ҚУВАЛИКЛАР ЯНА ЎТИН ҒАМЛАШЯПТИ...

«Фарғонагаз» ҳудудий газ таъминот корхонаси Қува туман филиалида мазкур қарор талаблари бажарилмаётгани, иш қониқарли ташкил этилмагани кишини ажаблантиради.

Ўтган ярим йил якуни бўйича туманда улгуржи истеъмолчиларнинг табиий газдан 19 миллион 519 минг сўм қарзи мавжуд. Жумладан, «Қува пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятининг 3 миллион 16 минг сўм қарзи бор. Корхона 2002 йил май ойидан буён тармоқдан узилганича ётипти. Туман газ идораси раҳбари Иброҳим Ғуломовнинг айтишича, бу тарихи узун, тортишувли масала эмиш. Туман марказий шифохонаси 66 минг 500 сўм қарзи бўла туриб, июл ойида 5 минг 800 сўмлик газ ёққанига нима дейсиз. Ҳеч қандай тўлов амалга оширилмай, қарз суммаси ортяпти. Шундай бўлса-да, табиий газ тармоғидан узилгани йўқ. 1 миллион 719 минг сўм қарзи бўлишига қарамай, туман халқ таълими бўлимига ҳам газ бериш тўхтатилгани йўқ. «Орзу» кичик корхонаси ва шу каби қатор ташкилотлар олдиндан тўловни амалга ошириш у ёқда турсин, мавжуд қарзини ҳам узмай, табиий газдан фойдаланяпти. Бу ҳукумат қарорини четлаб ўтишдан бошқа нарса эмас. Шербўтаев номли, «Бўстон» ширкат хўжаликлари, «Толмозор» матлубот савдо корхонаси ва «Азизбек» фирмаси каби мижозлар муддати ўтган қарзлари учун тармоқдан узилган. Лекин хўжалик судига топширилмаган. Тармоқдан узиш иш битди, дегани эмас-ку.

Ўтган ярим йил якуни бўйича аҳолида 469 миллион 673 минг сўмлик қарз тўпланиб ётибди. Бу 7 ойлик сарфланган газ суммасига тенг. 50-60 минг сўмдан ортиқ қарзи бўлган қанча-қанча хонадонлар тармоқдан узилмай, газдан фойдаланаётир.

«Акбаробод» қишлоқ фуқаролар йиғини Юзия қишлоғида бир йилдан буён газ ёнмайди. Аҳоли анча тортишувлардан сўнг 10 ойлик қарзини кечтиришга эришди. Лекин кўпчилик эски қарзини ҳам тўлашни истамаяпти. Масалан, шу қишлоқда яшовчи Муҳаммаджон Қодировнинг қарзи 40 минг 488 сўм бўлиб, бир йилдан ортиқроқ вақтдан бери умуман пул тўлагани йўқ. Рўзимат Жоналиевнинг ҳам 36 минг сўм қарзи бор. Лекин у бир ярим йил ичида газга бир тийин ҳам пул тўламаган. Табиий газ тармоғидан узилмаган. Лекин Акбароббодда умид билан яшаётганлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, Аҳаджон Сайитхонов қачонлардир уйимда «зангори олов» ёниб қолар, деган яхши ниятда газ идорасини 31 минг сўм қарз қилиб қўйибди. Ҳамқишлоғи Рустамжон Тиллабоев ҳам 29 минг сўм ҳақдор. Биргина Юзия қишлоғиликлар йўқ газ учун олдиндан 417 минг сўм тўлагани уларнинг қанчалар умидли инсонлар эканидан дарак беради. Шу ўринда бир савол туғилади. Улар тўлаб қўйган пули учун қачон газ олишаркин? Ёзнинг чилласида ёнмаган газ, қаҳратон қишда бўлармиди?

— Шу кунларда газ икки кун ёнса уч кун ўчади, — дея гап бошлайди каттақишлоқлик Азизбек Каримов. — Газ ҳисоблагич қўйилган хонадонларда эса умуман ёнмаяпти. Қишни-ку гапирмай қўя қолай. Кўмир, ўтин дегандек... жон сақлаяпмиз ишқилиб.

Яна бир гап. Туман газ идораси ишчи-хизматчилари Мустақиллик байрами арафасида 2004 йил январ ойи учун иш ҳақи олдилар. Ойлик маош саккиз ойга кечиктириб берилаётгани кишини ажаблантиради. Ахир бундай ҳолат учун тегишли шахсларга жавобгарлик белгиланган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида шундай дейилади: «...Ўзбекистон Республикасининг Прокуратураси хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган тартибига риоя қилиши устидан назоратни кучайтирсин ҳамда иш ҳақи бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлар ҳосил бўлган ҳолларда айбдор шахсларни жиноий жазолашгача жавобгарликка тортсин».

Айни кунларда газ идорасининг барча ходимлари йўқ газнинг тўпланиб қолган қарзларини ундириш учун жалб этилган. Ҳамма ходимлар ўз иши қолиб назоратчи вазифасини бажаряпти. Бу оғир вазифани уддалаш билан бирга ўз ишини ҳам қойиллатиб қўйишга мажбур. Шундай бўлгач, ойликни ҳам вақтида тўлаб қўйиш керак-да.

Қиш мавсуми яқинлашиб қолди. Газ сарфи кўтарилади. Ўз-ўзидан қарздорлик ҳам. Хўш, шундай ҳолатларга чек қўйишнинг иложи борми? Ҳар қандай масаланинг ечими бор. Лекин Қувада бу муаммони ҳал этиш анча оғир кечмоқда. Корхоналар 15 ва 30 фоиз олдиндан тўловни амалга ошириши лозим бўла туриб, қарз устига қарз бўляпти. Газ тармоғидан узилганлари ҳам хўжалик судига топширилмай ётаверса, газ идораси раҳбари бунга турли важлар топаверса, қандай қилиб таъминот ўнгланишидан умид қилиш мумкин.

Қуваликлар бу йил ҳам янгилик кутмай, ўтин ғамлашга тушиб тўғри қилган кўринади. Чунки «зангори олов» ёзда милтиллаб ёнса, қишда қандай бўлиши кундек равшан...

**Нодиржон ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

